

filologiya fanlari doktori, professor
Hamid G'ulomovich Ne'matov
tavalludining 80 yilligiga bag'ishlanadi



FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM

mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman

MATERIALLARI



2021-yil 22-noyabr

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

str. A.Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-0-62760-5

Copyright © Guli Tairova

Copyright © 2021 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
DAVLAT TILINI RIVOJLANTIRISH DEPARTAMENTI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI
BUXORO VILOYATI PEDAGOG XODIMLAR MALAKASINI OSHIRISH
VA QAYTA TAYYORLASH INSTITUTI**

**“FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM”
mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman
materiallari**

(filologiya fanlari doktori, professor Hamid G‘ulomovich Ne‘matov
tavalludining 80 yilligiga bag`ishlanadi)

**«ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ПРОБЛЕМА И
РЕШЕНИЕ»**

материалы международной научной конференции
(доктор филологических наук, профессор Хамид Гуломович
Нематов
посвящается к 80-летию со дня рождения)

**“PHILOLOGICAL RESEARCH: PROBLEM AND SOLUTION”
international scientific conference**

(doctor of Philology, Professor Hamid Gulomovich Nematov
dedicated to the 80th birthday anniversary)

Buxoro – 22-noyabr, 2021-yil

Ko‘rinib turibdiki, bu yerda 20 tomlik MATda keltirilgan baytda ajratib ko‘rsatilgan so‘z to‘g‘ri qo‘llangan. Sababi, “Navodir ush-shabob” devonining Rahmat Majidiy muharrirligi ostida nashr ettirilgan devondagi “tirmarg‘a” so‘zi noto‘g‘ri qo‘llangan. Ya‘nikim, ushbu so‘z “tirnarg‘a” shaklida keltirilganda edi, bayt mazmuniga to‘g‘ri kelishi mumkin edi, albatta. E‘tirof etish joizki, shoir asarlarining nashrlarida yo‘l qo‘yilgan har qanday nuqsonlar asarlarining mazmun-mohiyatiga salbiy ta‘sir o‘tkazishini inkor qilib bo‘lmaydi. Bugungi kunda navoiyshunosligimizdagi bunday kamchiliklarni tuzatish navoiyshunos olimlarimiz, matnshunos mutaxassislarning zimmasidagi muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

“Navodir ush-shabob” devoni nashrlaridagi tarje‘bandlarda yana quyidagi matn mazmuniga ta‘sir etuvchi tafovutlarni kuzatishimiz mumkin:

Xarobot ko‘rki, gar yuz mingni har kun.

Qilur ul zahr o‘lgan elga dohil. [Навоий, 1963:398]

G‘arobat ko‘rki, gar yuz mingni har kun,

Qilur ul zahr o‘lgan elga dohil. [Навоий, 1989:484]

“Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati”da “xarobot”-vayrona joy ; mayxona ma‘nosida, “g‘arobat” so‘zi esa, ajoyiblik, qiziqlik, nodirlik ma‘nosida izohlab o‘tilgan. Ikkala nashrda keltirilgan so‘zlar ham bir-biriga zid ma‘noli, ammo matnning to‘la mazmunidan kelib chiqadigan bo‘lsak, “g‘arobat” so‘zi bayt mazmuniga mos keladi. E‘tibor beradigan bo‘lsak, nashrlardagi matniy kamchiliklar, asosan, dastlabki yillarda nashr qilingan asarlarda kuzatilyapti.

Demak, keyingi yillarda matnshunoslarimiz bunday jiddiy kamchiliklarni bartaraf etish ustida samarali ish olib borishyapti. Sababi, matnshunoslik yutug‘i-asarning tayyorlangan ilmiy-tanqidiy matni hisoblanadi. Bu nusxa ilmdagi nuqta qo‘yilgan so‘nggi so‘z demakdir. Nashrda esa shunga qat‘iy amal qilish kerak. Muxtasar qilib aytganda, Navoiy ijodidagi har bir janr o‘zida aks etgan g‘oya va mazmunni tushunmog‘imiz- undagi so‘zlarning navoiyshunos va matnshunoslar tomonidan qanchalar to‘g‘ri va munosib tabdil va talqin etilayotganligiga bog‘liq bo‘lib qolyapti.

Adabiyotlar:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати .—Т.: Фан, 1983 .
2. Навоий асарлари луғати. — Тошкент, 1972.
3. Навоий Алишер. 15 томли. 2-том. Наводир уш-шабоб.-Т.:1963.
4. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар туплами. 20 томли. 4-том. Наводир уш-шабоб—Т., 1989.

ИНКОРНИНГ ЛИНГВОФАЛСАФИЙ, ЛИНГВОМАНТИҚИЙ, ПРАГМАТИК ТАБИАТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР DOI: 10.53885/edinres.2021.35.89.015

Дилдора Бўронова

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. *Инкор – бу дунёнинг барча тилларига хос бўлган, олам лисоний манзарасига мансуб, нисбатан содда семантик унсурлар воситасида аниқлаб бўлмайдиган, семантик жиҳатдан ажралмас семантик-коннотацион тоифалардан бири. Мантиқий нуқтаи назардан, инкор – бу берилган жумладан бошқасини тузувчи оператор, берилган гап ёлгон бўлганда тўғри бўлади ва аксинча, агар берилган жумла тўғри бўлса, ёлгон мулоҳазага ишора бериши мумкин. Ҳеч қандай мулоҳаза бир вақтнинг ўзида ҳам рост, ҳам ёлгон бўла олмани каби икки қарра инкордан иборат мулоҳазалар мулоҳазанинг ростлигига ишора беради.*

Калит сўзлар: *инкор маъноси, олам лисоний манзараси, содда семантик унсурлар*

В.А.Плунгянининг инкорни бутун бир универсал грамматик тўпламга тенглаштириши шу ва шу сингари нутқ имкониятларидан далолат беради.

Инкор универсал, барча тилларга хос бўлган, маъно маҳсули ҳисобланган категория ҳисобланади. Мазкур категорияни тадқиқ этувчилар, жумладан, О.Есперсен, Н.Н.Арват, С.А.Васильева, В.В.Виноградов, А.И.Бахарев, А.Т.Кривоносов, В.Н.Бондаренко, О.В.Озаровский, Н.Г.Озерова, Е.В.Падучева, В.З.Панфилов, А.М.Пешковский, Л.Хорн, А.А.Шахматов сингари тилшунос олимлар асосан, инкорни мантикий ва нуткий инкорга ажратган ҳолда, уларнинг қиёси, турли тилларда инкорни ифодаловчи воситалар, гап қурилмасида инкорнинг ифодаси сингари муаммоларга эътибор қаратадилар. Шунга қарамай, тилшуносликда инкорга тугал ечимини топмаган ҳодиса сифатида қаралади.

Тилда инкор категориясининг намоён бўлиши мантиқ ва фалсафани ҳам қизиқтиради. Ваҳоланки, инкор худди тасдиқ сингари воқеликнинг тилдаги ифодаси бўлиш билан бирга мулоҳаза тўғрисидаги мулоҳазани ҳам ифодалайди ва бу билан инкор худди фалсафа сингари, математика, формал ва математик мантиқ, прагматика, лингвистиканинг тенг ҳуқуқли объекти ҳисобланади. Мантикий жиҳатдан инкор мавжуд эмаслик тўғрисидаги фикр, воқеликда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ниманингдир етишмаётгани, шунингдек, ифода этилган фикрга нисбатан инкор мулоҳаза, яъни мулоҳазани рост мулоҳаза сифатида қабул қилишга тақик, фарқлар ўртасидаги муносабат, етишмовчиликка муносабат, ноуйғунликка муносабат, қарама-қаршилик, зиддиятга муносабат, маҳрумлик ва тақчилликка муносабат, модалликка муносабатни акс эттиради.

Рад этиш – бу маълум бир ҳолат сақламайдиган фикрни ифодалаш учун махсус лингвистик восита. Тилшуносликда маъно таърифи одатда талқин сифатида қабул қилинади: Р. Якобсон ёзганидек, "лингвистик белгининг маъноси унинг бошқа, биринчи навбатда маъно тўлиқроқ ифодаланган белгига таржимасидир"[1].

А.М.Пешковский инкорни маъно элементи деб таърифлайди, бу гап компонентлари ўртасидаги боғлиқлик, олимнинг фикрича, ҳақиқатдан ҳам мавжуд эмаслигини кўрсатади[2].

Ш. Балли фикрича, гапдаги инкор нутқ эгасининг тасдиқловчи мос гапни сохта деб рад этганидан далолат беради[3]. Тилдаги субъектив баҳо ва эмоционал интенсивликнинг тизимли ифодаси, Ш.Баллига кўра, ўзини сўзлар, синтактик қурилмалар, қўшимчалар сатҳида акс этувчи эмоционал бўёқдорликда намоён этади. Масалан, *Мен ўзини севмайдиган кишиларга мутлақо ишонмайман* жумласидаги инкор етарли даражада интенсивликка эга, бироқ бу интенсивлик *Мен бунга ишонай? Мени ишонади деб ўйлаяпсизми?* жумлаларида интенсивлик кўламида яққол кўзга ташланувчи хиссиётлиликка нисбатан кучсиз. Шунингдек, синтактик қурилмаларнинг умумий семантикасида ушбу категориянинг киноя орқали ифода топиши кузатилади: *Борасана, борасан!, Мен унга ёрдам берармишман!* ва б. Эмоционал салбий баҳони ифодаловчи жумла одатда чекланган феъл ёки предикатив инкорни ўз ичига олган жумлага нисбатан қўлланилади, чунки айнан мана шу инкор кўпинча жумланинг тузилишига таъсир қилади. Бироқ, сўзнинг лексик маъносидаги инкор синтактик рефлексларга ҳам эга бўлиши мумкин[4].

Инкор мазмунига ҳар тарафлама ёндашувлар орасида И.Кантнинг унинг (инкорнинг) ташқи олам тўғрисида ҳеч қандай маълумот ташимаслиги, инкорнинг мавжудлиги эса чалкаш талқинга йўл қўяётган индивиднинг номукамаллигини англатиши тўғрисидаги хулосалар учрайди[5]. Л.М.Сизранцева эса И.Кантнинг инкорнинг маълумот ташимаслиги ҳақидаги қарашини абсурд деб ҳисоблайди ва ҳақиқий инкор олам ҳақида маълумот беради деб ҳисоблайди. Жумладан, тадқиқотчи И.Н.Бродскийнинг ҳақиқий инкорнинг формуласи сифатида тақдим этган "А маълумот Р эмас"[6] ҳукмига суянади ва бу формула билимларимиз доирасидаги қайси объектлар Р ва қайси объектлар А хусусиятларга эгаллигига доир ноаниқликни камайтиради, деб таъкидлайди[5].

Р.И.Ибаньес инкорни синтактик категория деб билади. Унингча, инкор фақат инкор шакли билан ифода топмайди, балки имплицит ёхуд ўзга лисоний шакллар билан ҳам англатилиши мумкин. Буни биз семантик йўл (алоҳида ифода шаклига эга бўлмай, сўз ва

тегишли синтактик қурилмада акс этган маъно орқали англашилади. М., *Мени бороди деб ўйлапти* – “мен бормайман”; *Мен унинг кетганини аниқладим* – “мен уни учратмадим” маъносида каби) дея талқин этишимиз тўғри бўлади. Демак, инкор турли морфологик ва синтактик воситалар орқали намоён бўлувчи соф маъновий категориядир. Р. И. Ибаньес инкор ва тасдиқни битта ўлчамнинг икки қутби деб ҳисоблайди. Инкор соф лингвистик категория бўлиб, прагматикада инкор ва тасдиққа муқобил воситалар мавжуд эмас. Негаки ижобий ва инкор маъноли гаплар ҳам битта воқеликка ишора бериши мумкин[7].

Бироқ Э.Шмидтга кўра, инкор фаолиятнинг коммуникатив ўйинида сўзловчининг мулоқот операциясидир, яъни бунда инкор Э.Шмидт томонидан муқобил функцияли коммуникатив амаллар синфи деб кўрсатилади. Олимнинг хулосаси бўйича инкор грамматик категория эмас, балки мураккаб коммуникатив амалдир, у орқали сўзловчи адресатга фаолиятнинг коммуникатив ўйинига дахлдор муайян далилга нисбатан ўз муносабатини юзага чиқаради ва шу орқали адресатнинг фикрини рад этади ёки тузатади.

О.Есперсеннинг фикрига мувофиқ, инкор нафрат ҳиссидир, мумтоз “no” шакли зиддият ва қарама-қаршиликни билдирувчи алоҳида олинган сўзларнинг содда шаклидир. Бу вазиятда олим инкорни воқеликнинг ифодаси эмас, балки инсон руҳиятнинг у ёки бу психологик реакциялар, эмоционаллигининг намоён бўлиши сифатида тушунади. Бироқ олимнинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки ҳамиша ҳам инкор нутқ эгасининг руҳий ҳолатига боғлиқ бўлмасдан, объектив омилларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (буни юқорида Л.М.Сизранцева қарашлари мисолида ҳам қайд этдик).

Демак, тилдаги инкор бошланғич, изоҳланмайдиган тушунчалар сонига тегишли бўлиб, у нисбатан содда семантик унсурлар воситасида аниқлаб бўлмайдиган, бутун бир грамматик тўпладан иборат, семантик жиҳатдан ажралмас семантик-коннотацион категориялардан бири саналади.

Адабиётлар:

1. Падучева Е. Русское отрицательное предложение. – М. Язык славянской культуры. 2013. Jakobson 1955 – Jakobson R. On linguistic aspects of translation. //R.A.Brower. On translation. Cambridge, Mass., 1955.
2. Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд. М., 1956; 8-е изд. М., 2001.
3. Отрицание в логике и в лингвистике. <https://scicenter.online/russkiy-yazyik-scicenter/otritsanie-logike-lingvistike-169828.html>.
4. <http://rusgram.ru/>
5. Сызранцева, Л. М. Отрицание в семантической структуре предложения. <https://www.dissercat.com/content/otritsanie-v-semanticheskoi-strukture-predlozheniya>.
6. Бродский И.Н. Философский и логический аспекты проблемы отрицательных высказываний: автореф. дис. д-ра философ. наук. - Л., 1974.- 30 с.
7. Кулубекова А.О., Токтогулова Г. Понятие "отрицание" и его лингвистические средства выражения в английском языке. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28989943>.

ҚИССАДА БАДИИЙ ДАЛИЛЛАШНИНГ ЎРНИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.28.12.016

Шоҳсанам Давронова

БухДУ ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси доценти, ф.ф.доктори

Аннотация. Мақолада бадий дадиллаш ва ёзувчи маҳорати масалалари ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси таҳлили асосида очиб берилган. Ижодкорнинг воқеалар оқими ва характерлар мантигини бадий дадиллаш ва китобхонни ишонтириши санъати ва маҳоратига оид ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: қисса, бадий ифода, поэтик маҳорат, бадий дадиллаш, характер, бадий услуб, бадий гоя

Atoulllo Rakhmatovich Akhmedov, Sevara Mahmud qizi Po‘latova. Arealogiya tushunchasi haqida	100
Odiljon Bozorov. Til nazariyasini shakllantirish va boyitishda falsafiy kategoriyalar metodologiyasi	102
Nodira O‘tkir qizi Boltayeva. Tabassum kommunikativ-emotsional aloqa vositasi sifatida	105
Nazora Jo‘rayevna Bekova, Zarina Raxmiddinova Sayliyeva, Feruza Sohob qizi Saidova. “G‘aroyib us-sig‘ar” devoni tarkibidagi bir g‘azal tahlili	108
Nazora Bekova, Shahlo Halimova. Navoiyning “Navodir ush-shabob” devoni nashrlaridagi tarje‘bandlarning matniy tafovutlari va ularning g‘oyaviy-badiiy tahlili	110
Дилдора Бўронова. Инкорнинг лингвофалсафий, лингвомантикий, прагматик табиати хақида мулоҳазалар.....	112
Шоҳсанам Давронова. Қиссада бадий далиллашнинг ўрни	114
Nafisa Izzatullaeva G‘aybullaeva. Evfemizmning nutqdagi ijtimoiy ahamiyati	117
Орзигул Хайриддинова Ганиева, Феруз Бахтиёрович Садуллаев. “Муқаддас” қиссасининг бадий хусусиятлари	118
Шахноза Кахрамонова Гулямова. Қўп маъноли сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш	122
Maqsuda Baqoyeva Ikromova. Xorijiy tillarni o‘rgatishda va o‘rganishda zamonaviy metodlar va texnologiyalarning o‘rni	124
Аъзамжон Авазжон ўғли Ихтиёров. Субъектив муносабат семантикасининг фраземалар парадигмаларини шакллантириши хусусида	126
Турсунали Жумаев. Морфологик тарихий қолдиқларда вариантлашув	129
Шахло Шокировна Жумаева. Миллий колорит ва унинг хусусияти.....	132
Nazokat Zaripboyeva. Milliy til korpusining paydo bo‘lishi va taraqqiyoti.....	134
Nazokat Zaripboyeva. O‘zbek tilining milliy korpusini yaratish mezonlari	138
Ихтиёр Нигматуллаевич Камолов. Тилшунослик ва адабиётшуносликда биографик ёндашувнинг долзарблиги.....	142
Bayramali Kilichev, Intizora Axmatova. Ayrim toponimlarning tarkibi va semantikasi haqida	145
Bayramali Kilichev, Sharofiddin Rahmatullayev. O‘zbek ertaklaridagi antroponimlarining lingvomadaniy asoslari	148
Дилрабо Қувватова, Раҳима Шарипова. Рауф Парфи шеъриятида шамол рамз сифатида	151
Umidjon Yigitaliyev. “Shaxs” lisoniy zarrasining fonetik-fonologik tizimda voqelanishi	154
Shahnoza Yusufova Yaqubova. Obyektlilik birikmalarining formal grammatik tavsifi xususida	155
Фармонов Б.Б. Рельефонимларнинг инглиз тилида семантик тузилиши.....	158
Khamdamova Sitara Bakhshiloyeva. William Butler yeats’ myth-making features	160
Нафиса Низомиддинова Хамроева. Илтифот ва унинг метакоммуникатив вазифалари	163
Ильхомжон Собирович Мадрахимов. Проблемы языковых единиц – одна из узловых проблем теоретического языкознания	165
Шохиста Тухташевна Махмараимова. Луғавий бирликлар ўртасидаги эпидигматик муносабат.....	169
Сиддиқжон Мўминов, Табассумхон Мўминова. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссасида бадий нутқ ва услубнинг ўзига хослиги	173
Mahbuba Muhammadova. Humoyun Mirzo Nisoriy talqinida.....	176
Дилфуза Саитовна Нарзуллаева. Халқимизнинг мома култига алоқадор мифологик қарашлари	179
Saida Axmedjanovna Nazarova, Maxfirat Yusupova Xojiyeva. Lisoniy sintaktik birliklarning tibbiy nutqda voqelanishi	183
Ниязова Г. Детектив асарлар тилининг прагматик хусусиятларини таҳлил қилиш	186
Munavvar Sultonova Olimova. Ona tilim – millatim ruhi.....	188
Зарина Олимова. Гулистон Матёкубова ижодида таххиснинг ўрни	190
Ситорабону Уринова. Отличия и отличия рассказа издания “рабгузий” от его преобразований в рассказе “строительство и завершение каабы”	193